O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIY VAZIRLIGI HUZURIDAGI NODIR HUJJATLAR ARXIVI

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 22 ноябрь, № 227 (4126) Чоршанба

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Хонобод шаҳридаги "Ўз-Кожи" Ўзбекистон—Корея қўшма корхонасида "ЎзДЭУавто" автомобиллари учун юқори сифатли сим ўровлари тайёрлаб берилмоқда. Айни пайтда мазкур корхонада 400 нафар киши икки сменада меҳнат қилмоқда. Уларнинг 41 нафари Кореяда тажриба ўрганиб қайтган мутахассислардир.

Ишчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш корхона маъмуриятининг доимий эътиборида бўлгани боис ишлаб чиқариш самарадорлиги кўнгилдагидек. Мисол учун, бу йил корхона жамоаси "ЎзДЭУавто" автомобилларига 110 минг дона маҳсулот етказиб беришни режалаштирган.

СУРАТДА: Махфират Исмоилова иш устида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

21 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг вазифалари ҳақидаги масалани кўриб чиқишдан бошлади.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ролини кучайтиришга қаратилган ташаббусларига мамлакатнинг давлат-сиёсий тизимини янада такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам сифатида юксак баҳо берди. Мажлис иштирокчилари мазкур Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишини, шунингдек ҳукумат тузилмаларининг марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратишини кўрсатиб ўтдилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тузатишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, Хукумат ва жойлардаги давлат органларининг зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларини амалга оширишдаги роли ва масъулиятини кучайтириш, шунингдек, энг асосийси, сиёсий партияларнинг мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётига ва мамлакатни янгилаш жараёнларига таъсирини ошириш мақсадида киритилмоқда.

Қонун лойиҳаларининг жамиятда кенг муҳокама қилиниши аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолияти кучайишига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни демократик янгилашда сиёсий партияларнинг роли ва масъулияти ошишига ёрдам беради. Ана шуларга асосланиб, Кенгаш ушбу қонун лойиҳаларининг моҳиятини аҳолига тушунтириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари ва аъзолари учун бир қатор вазифаларни белгилади. Кенгаш муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисини шу йил 30 ноябрда Тошкент шаҳрида чақириш ҳақида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қатор қонунларни, жумладан: "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда "Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги, янги таҳрирдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонунларни киритиш режалаштирилмоқда.

Ялпи мажлисда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунларни кўриб чиқиш мўлжалланмоқда. Булар "Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига таллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Уставига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил), Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Конвенциясига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил), Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидир.

Шулар билан бир қаторда сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини тайинлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги масалаларни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколати доирасидаги бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

Кенгаш Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг саккизинчи ялпи мажлисни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш вазифасини Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳиддинова зиммасига юклади.

* * *

Кенгаш мажлисида Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2005 йилдаги ва 2006 йилнинг ўн ойи мобайнидаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Ушбу масала бўйича Қўмита раиси Т.Комилов ахборот берди.

Кенгаш ҳисобот даврида Қўмита парламентнинг юқори палатаси муҳокамасига киритиладиган қонунлар юзасидан хулосалар тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Сенат қарорларининг ижросини назорат қилиш соҳасида, шунингдек сенаторларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитаси, мамлакат мудофаасини ва хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоқадор бўлган вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлигини яхшилаш борасида муайян ишларни амалга оширганлигини кўрсатиб ўтди.

Назорат вазифаларини амалга ошириш доирасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш масалалари тайёрланди ва кўриб чиқилди. Булар орасида "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ҳузуридаги Давлат чегарасини қўриқлаш қўмитаси томонидан Фарғона вилоятида ижро этилиши, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуннинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқув муассасалари тизимида резервни ва заҳирадаги офицерларни тайёрлаш соҳасида ижро этилиши ва бошқа масалалар бор. Ушбу масалалар Қўмитанинг кенгайтирилган мажлисларида кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳисобот даврида Қўмита 13 та турли семинар, конференция ва давра суҳбатлари ўтказди. Уларни тайёрлаш ва ўтказишга Қонунчилик палатасининг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари, олимлар, мутахассислар, амалиётчилар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кенг жалб этилиб, улар иштирокида муҳокама қилинган масалалар юзасидан зарур тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга Кенгаш ҳисобот даврида Қўмита мудофаа ва хавфсизлик масалалари билан боғлиқ қонунларнинг талаблари қонунности ҳужжатларида акс эттирилишини ўрганиш, маҳаллий аҳоли орасида профилактика ишларини яхшилаш ҳамда чегарага яқин ҳудудлардаги чегара қўшинларига кўмаклашувчи "Чегара посбонлари" отрядлари аъзоларининг давлат чегарасини муҳофаза қилиш ва қўриқлаш бўйича ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқаролар йиғинлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга етарли эътибор бермаганлигини кўрсатиб ўтди.

Муҳокама жараёнида Кенгаш аъзолари Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг фаолиятини яхшилаш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсияларни билдирдилар.

Кенгаш мажлисида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутатлари бўлмиш сенаторлар билан сайловчилар ўртасидаги алоқани кучайтириш бўйича Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан тайёрланган Тавсиялар кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Муҳокама чоғида мазкур ҳужжат сенаторларнинг фуқаролар, сиёсий партиялар аъзолари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари билан учрашувларини ўтказиш, сенаторларнинг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, шунингдек сенаторлар билан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг ҳамкорлигини таъминлаш тартибини белгилаб бериши кўрсатиб ўтилди.

Сенат Кенгаши ўз ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат Кенгаши тегишли қарорлар қабул қилди.

Мажлисда сенаторлар, вазирлик ва идораларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ҚАДАМ

«Демократик қадриятларга содиқликнинг яққол тасдиғи», «Демократлаштириш масалаларига конструктив ва ижобий ёндашув», «Кўплаб долзарб масалаларни ҳал этиш йўлидаги стратегик қадам» — дунё оммавий ахборот воситалари, таҳлилчи ва мутахассислари Президент Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган қонунлар лойиҳаларини ана шундай шарҳламоқдалар.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти парламентга сиёсий партиялар аҳамиятини юксалтириш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини киритди» – Хитойнинг **«Жэньмин Жибао он лайн»** газетаси ана шундай сарлавҳа остида Президент Ислом Каримовнинг янги ташаббусларига бағишланган мақола эълон қилди.

Унда, жумладан, Ўзбекистон етакчиси томонидан таклиф қилинган қонунлар лойиҳалари мамлакатда рўй бераётган барча ўзгаришларда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилгани таъкидланади.

«Конституцияга киритилаётган тузатишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, қонунчилик ва ижро ҳокимиятларининг ҳамда жойлардаги давлат идораларининг зиммасига Конституция билан юклатилган вазифаларни бажаришдаги аҳамияти ва масъулиятини юксалтириш, ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизациялашда сиёсий партияларнинг таъсирини кучайтиришга қаратилгандир», — деб ёзади нашр.

Қозоғистоннинг «Казинформ» ахборот агентлиги шундай ёзади: «Президент Ислом Каримов парламентга сиёсий партиялар ташаббускорлиги ва масъулиятини юксалтиришга йўналтирилган ҳамда вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантиришга қаратилган қонунлар лойиҳаларини киритди. Қайд этилганидек, ташаббускор гуруҳлар томонидан сайланган, янги сайланган ҳукумат йўлини, унинг дастури ёхуд дастурнинг муайян йўналишларини мақбул кўрмаган сиёсий партиялар фракциялари ҳамда мустақил депутатлар ўзларини мухолифат, деб эълон қилишлари мумкин».

Самарали сиёсат жамғармаси эксперти, Kremi.org сиёсий экспертлик тармоғи (Москва) раҳбари Наталья Давлетшинанинг айтишича, жамиятни демократлаштиришнинг энг самарали формуласи фуқаролик жамиятини институциялаштиришдир. «Партия қурилиши бу жараёнда алоҳида аҳамиятга эга, негаки, айнан сиёсий партиялар – фуқаролар ижтимоий фаоллигининг жиддий воситаси ва таянчидир», — деб таъкидлади россиялик эксперт.

Бельгия Ташқи ишлар вазирлигининг қурол тарқатилмаслиги ва қуролсизланиш бўлими бошлиғи М.Питерманс Президент И.А.Каримов томонидан таклиф этилган қонунлар лойиҳалари Ўзбекистоннинг демократик жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги ислоҳотларни жадаллик билан амалга ошираётганидан далолат эканлигини қайд этди.

АҚШ Миллий матбуот клуби вице-президенти П.Хикманнинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон Президентининг қонунчилик ташаббуси мамлакатда давлат бош ислоҳотчи эканидан далолат беради.

— Бу сиёсий тизимни либераллаштириш ва модернизациялашдаги ижобий қадамдир, — деди П.Хикман. — Ижтимоий-сиёсий ҳаётда партиялар ўрнининг юксалиши мамлакатдаги барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

АҚШ Конгресси Тадқиқот хизматининг етакчи таҳлилчиси Ж.Никол янги қонунлар мухолифатдаги партияларга қонунчилик жараёнида янада фаолроқ иштирок этиш ва ижро этувчи ҳокимиятга кучлироқ таъсир ўтказиш имконини беришига эътибор қаратди.

Бельгиянинг «Чемитекс» компанияси президенти Аднан Кандийоти ҳам демократик жараённи ривожлантиришга қаратилган мазкур чора-тадбирларни ижобий баҳолади.

— Бу ўз вақтида ва чуқур ўйлаб ташланган қадамлардир, — деб таъкидлади бельгиялик ишбилармон. — Президентнинг янги ташаббуслари Ўзбекистондаги тадбиркорлик муҳитига ҳам ижобий таъсир ўтказиб, мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш жараёнини фаоллаштиришга хизмат қилишига ишончим комил.

(Давоми 2-бетда).

Шу йил 16 ноябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг III қўмитаси дунёнинг 15 мамлакати, жумладан, Ўзбекистон делегацияси томонидан тақдим этилган "Инсон ҳуқуқлари борасида тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурматга асосланган мулоқотни рағбатлантириш"га оид резолюция лойиҳасини қабул қилди.

Резолюция лойиҳаси қабул қилинди

Мазкур ҳужжат ҳаммуаллифлари рўйхатидан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган Россия ва Хитой ҳам ўрин олган.

Ҳужжатда инсон ҳуқуқлари масаласига адолатли ва бирдек ёндашув лозимлиги қайд этилади. Бунда миллий ва минтақавий ўзига хосликлар, тарихий, маданий ва диний тараққиётдаги тафовутларнинг муҳимлиги ҳисобга олиниши зарур эканлиги таъкидланган. Ҳужжат муаллифлари инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш борасидаги фаолиятда танлаб ажратмаслик, холисоналик ва беғаразлик тамойилларига амал қилиш ҳамда ундан сиёсий мақсадларда фойдаланмаслик зарур эканлигини тасдиқлашган.

Резолюция лойиҳасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳвол тўғрисидаги сиёсий асосланган ва алоҳида олинган мамлакатларда инсон ҳуқуқлари борасида ҳолат тўғрисидаги ноҳолис резолюцияларга, инсон ҳуқуқларидан сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳамда бу йўналишда БМТ ишида икки ёқлама андозаларни қўллашга йўл қўймаслик зарурлигига эътибор қаратилган.

"Жаҳон" АА.
Нью-Йорк

Санъат қалъаси қад ростлади



Қорақалпоғистон Республикаси жанубидаги Элликқалъа туманини ислоҳотларни жорий этишнинг ўзига хос майдони деб таърифлашади. Шуниси қувончлики, бу ерда янгилик сари интилиш яхши натижа бермоқда. Иқтисодиётдаги муваффақиятларга маънавий-маърифий ишлар замин бўлаётганини таъкидлаш ўринлидир. Куни кеча туман маркази — Бўстон шаҳрида 360 ўринга эга Санъат коллежи фойдаланишга топширилди.

(Давоми 2-бетда).

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Президент Ислом Каримов томонидан киритилган Конституциявий қонун лойиҳаси Ўзбекистон раҳбариятининг демократлаштириш, мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш борасида ташлаган аниқ-равшан қадамидир, — дейди **Польшадаги Лодзь университетининг профессори Альбин Гловацкий**. — Ўзбекистоннинг сиёсий фракциялари сафида ўз ҳуқуқлари парламентда кўпчиликни ташкил этувчилар томонидан камситилмайдиган муҳолифатнинг пайдо бўлиши Ўзбекистон давлат ва жамияти демократлаштириш йўлида жадаллик билан олдинга ҳаракатланаётганини тасдиқлайди. Бу сингари қонун лойиҳаси демократик давлатларда кенг равишда тан олинган амалиёт ҳисобланади. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши бутун сиёсат ва давлат тизимига, шунингдек, Ўзбекистоннинг демократик янгиланишига чуқур таъсир ўтказади.

Австриянинг ««Райффайзен Центральбанк» банки директорлар кенгаши раисининг ўринбосари Г.Степич ушбу мавзу юзасидан қуйидаги фикрларни билдирди:

— Ўзбекистон етакчиси томонидан таклиф қилинган қонунлар лойиҳаларини «тўғри йўналишда тўғри ташланган қадам» деб баҳолаш керак. Бу Ўзбекистондаги иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари сиёсий ислоҳотлар билан мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Президент И.А.Каримов томонидан таклиф этилган қонунлар лойиҳалари юзасидан **Туркиянинг ТУСАМ Стратегик тадқиқотлар маркази** билдирган қуйидаги шарҳ ҳам эътиборга молиқдир: «Ўзбекистон раҳбари сиёсий партиялар фракцияларининг аҳамияти юксалишини белгилаб ҳамда таъминлаб берадиган самарали ҳуқуқий механизмларини шакллантириш масаласини ўз вақтида қўймоқда».

Шу ўринда мазкур марказ дунёнинг кўпчилик мутахассис ҳамда оммавий ахборот воситалари Ўзбекистоннинг демократик тамойилларни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарали кечаётганлигига ҳам эътибор қаратди.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси депутати, Сувон шаҳрининг собиқ мэри Шим Дэ Токнинг фикрича, айни пайтда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Шу маънода, Ўзбекистонда амалга оширилган парламент ислоҳоти чоғида қонун чиқарувчи олий органнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти ҳамда таъсири сезиларли даражада кучайиб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги мутаносибликка эришишга муваффақ бўлинган эди. Киритилган қонунлар лойиҳалари ривожланган фуқаролик жамияти институтларига эга бўлган том маънодаги демократик давлатни барпо этиш йўлидаги изчил ҳаракатларнинг яққол тасдиғидир.

Франциядаги UMP ҳукмрон партияси (Халқ ҳаракати учун иттифоқ) дипломатия маслаҳатчиси, Франциянинг собиқ вазири О.Стирннинг фикрича, сиёсий партиялар роли ва мақомининг кучайиши ҳамда уларнинг юксалиши доимо демократия ривожи ва мамлакатнинг конституцион асослари такомиллашишида янги қадам бўлади. Кучли Президент ва кучли ҳукуматга эга бўлган Ўзбекистонда жамиятнинг сиёсий тизими кучайиши жараёни бормоқда.

Франция Адлия вазирлиги Халқаро ҳамкорлик департаментининг директори К.Кускиернинг сўзларига қараганда, мамлакат Президенти томонидан киритилган қонун лойиҳаларида акс этган сиёсий партиялар ролини такомиллаштириш деганда Ўзбекистонда сиёсий жараёнларнинг кучайиб бораётганини тушунмоқ лозим.

— Республикада икки палатали парламент сайланганидан сўнг мамлакатдаги сиёсий жараён янада ошкор кўриниш касб этмоқда, — дейди франциялик мутахассис. — Ўзбекистондаги сиёсий ҳаётнинг фаоллашувига фақатгина сиёсий партиялар ролини кучайтириш орқали эришиш мумкин. Президент ҳам айнан мана шуни таклиф этмоқда.

Бобур СОБИРОВ.
«Жаҳон» АА.

Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси олдидан

Маълумки, шу йил 30 ноябрь куни Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди. Мухбиримизнинг парламент юқори палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Гофир АЛИЕВ билан суҳбати шу воқеа арафасида бўлиб ўтди.

Сенатор ва сайловчи:

ДОИМИЙ АЛОҚА — МУСТАҲКАМ ИШОНЧ ДЕМАК

— Гофир Куватович, суҳбатимизни навбатдаги ялпи мажлисга тайёргарлик жараёнидан бошласак.

— Маъқул. Ҳақиқатан ҳам, шу кунларда барча қўмиталарда қилинган ишларга маълум маънода якун ясаляпти. Ҳар бир қўмита ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда бўлажак ялпи мажлисга ҳозирлик кўрмоқда. Шу билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда маъқулланган бир қанча қонунларнинг ҳулосалари тегишли қўмиталарда тайёрланиб, Сенат мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилмоқда. Айнан қўмитамиз фаолиятига тўхталадиган бўлсам, шу кунларда қўмитада маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутатлари бўлмиш сенаторлар билан сайловчилар ўртасидаги алоқани кучайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида қонунларни қабул қилишдан ташқари уларнинг ижросини назорат қилиш зарурлиги, сенаторлар нафақат айрим қонун бузилиш ҳолатларини аниқлашлари, балки қонун талаблари бажарилмаслигига сабаб бўлаётган омилларнинг тагига етишлари зарурлигини айтиб ўтган эди. Ўтган фурсат ичида айтиш жоизки, ҳар бир қўмита ушбу йўналишда фаол иш олиб борди. Бироқ, бу борадаги ишларимизни кўнгилдагидек йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Айниқса, минтақаларда фаолият юритаётган сенаторларимиз фаолиятини янада кучайтириш талаб қилинади.

— Ушбу тавсияларни ишлаб чиқишда нималарга эътибор қаратилди?

— Мазкур тавсияларни ишлаб чиқиш сенаторларнинг бир вақтнинг ўзида маҳаллий Кенгашлар депутатлари эканлиги ва натижада сенатор депутат сифатида ҳам сайловчилар билан доимий равишда алоқа қилиб туриши зарурати ҳисобга олинди. Унда аввало, сенаторларнинг вазифалари белгилаб берилган.

Аёнки, уларнинг биринчи галдаги вазифалари умумдавлат манфаатлари билан минтақавий манфаатлар ўзаро мутаносиб бўлишига эришиш чораларини кўриш, шунингдек, аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида иштирок этишини кенгайтиришдан иборатдир. Сенатор ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонунларга, Сенат қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Сенат Кенгаши қарорларига мувофиқ амалга оширади. Сенатор маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати сифатида ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия аъзолари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари билан алоқа боғлаб туриши, тегишли халқ депутатлари Кенгашида уларнинг манфаатларини ифода этиши керак.

Мазкур тавсияларда, шунингдек, сенаторларнинг фуқаролар, сиёсий партияларнинг аъзолари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари билан учрашувлар ўтказиши, сенаторларнинг фуқаролар мурожаатлари билан ҳамда уларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари билан ишлаши ва ушбу вакиллик органлари депутатларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаши каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилган.

— Шу ўринда сенаторларнинг фуқаролар мурожаатлари билан ишлашлари тўғрисида ҳам фикрларингизни билдирсангиз.

— Ушбу масала ишлаб чиқилган тавсияларимизда аниқ баён қилинган. Демак, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳам сенатор ишининг муҳим бўғинларидан биридир. Сайловчиларнинг хатлари одамлар билан мулоқот қилиш имконини беради, оддий фуқароларнинг муаммоларини чуқурроқ англаш, рўй бераётган воқеалардан доим хабардор бўлишга ёрдам беради. Шу боис ҳар бир мурожаат рўйхатга олиниши ва уларнинг ҳар бирига "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилган тартиб ва муддатларда жавоб қайтарилиши зарур.

Сенатга келиб тушадиган мурожаатлар, аризалар, фуқаролар қабулининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, қачонки, жойларда ишлаётган сенатор-депутатларимиз ўзларининг ҳудудида аҳоли билан тез-тез учрашиб, барча муаммолар билан танишиб, ўрганиб, уларни бартараф этиш йўлларини маҳаллий давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилот, корхоналар билан биргаликда кўриб ҳал этсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қолаверса, жойлардаги ҳар бир сенаторимиз ўз сайловчилари ёхуд ўзига бириктирилган ҳудуддаги аҳоли билан алоқани янада кенгайтириши зарур. Ишлаб чиқилган тавсияларнинг мазмун-моҳияти ҳам шундан иборат бўлиб, сенаторларнинг сайловчилар билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва ушбу алоқаларни олиб бориш тартибларини белгилаб беради.

Зиёда АШУРОВА суҳбатлашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида йод етишмаслик муаммоси ва унинг ечимига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Қуйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, фракциялар, алоқадор вазирликлар ва идоралар, ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Мазкур қўмита раиси И.Насриев бошқарган йиғилишда юртимизда йод етишмаслиги муаммосини бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг йод танқислиги ҳолатларининг олдини олиш муаммоларига оид қарори ҳамда давлат дастурида бу муҳим масалани қонун йўли билан тартибга солиш лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Йиғилишда Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Иккинчи ўқишда тақдим этилаётган ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган тузнинг йодланиши мажбурийлигини қонунийлаштириш лозимлиги таъкидланди. Тегишли давлат органларининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қадоқлаш, тамғалаш, сақлаш, сотишга доир қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилашга қаратилган моддаларни киритиш юзасидан бир қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Чин меҳр унутилмайди

Пойтахтимиздаги Марказий зобитлар уйида "Ўзбек халқи жасоратини абадий ёдда сақлайлик" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Мазкур кеча "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, республика Хотин-қизлар қўмитаси ва "Хотира хиёбони" жамоатчилик жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ундан мақсад Иккинчи жаҳон уруши йилларида турли миллат болаларини ўз бағрига олиб, меҳр берган халқимизнинг энг юксак инсоний фазилатларини ёд этиш ва эъзозлаш, шунингдек, ёш авлод онгида ватанпарварлик, тинчликни қадрлаш маданиятини шакллантиришдир.

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида 250 мингдан ортиқ турли миллат болалари юртимизга эвакуация қилинган, халқимиз уларни ўз фарзандидек бағрига олиб, тарбиялаган эди. Машъум уруш туфайли ўз ота-онаси, яқинларидан айрилиб қолган етим болалар шу меҳр тафтида улғайди, униб-ўсди. Бугун улар жамиятимизнинг турли жабҳаларида фаоллик кўрсатган олим-у, адиб, етук шахслар сифатида ҳурмат билан тилга олинади.

— Ушбу кеча бизни улғайтирган она халқ жасорати олдида таъзим, хотира рамзи бўлибгина қолмай, фарзандларимизга ибрат бўладиган инсонпарварлик, буюк жасорат ҳислатларининг яққол намунаси ҳамдир, — дейди биз билан суҳбатда "Хотира хиёбони" жамғармаси раиси, уруш йилларида шу ердан паноҳ топган Станислав Мансуров. — Эсимда, ўшанда бу ерга келганимда ҳали гўдак бола эдим. Бировнинг боласи демай, бизни ўз фарзандидай ардоқлаган, тарбиялаган бағрикенг халққа бошимиз ерга етгунча таъзим қилсак-да, оз.

Тадбир иштирокчилари Бош майдонда жойлашган "Мустақиллик ва эзгулик" монументига гуллар қўйишди. Шунингдек, хотира кечаси давомида "Меҳрибонлик" уйларининг собиқ тарбияланувчилари ижодига дахлдор тасвирий санъат кўргазмаси ташкил этилди. Тадбир давомида Ўзбекистонга эвакуация қилинган болалар ҳақидаги ҳужжатли хроникалар ва бадиий чиқишлар намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида "Саноатни автоматлаштириш учун интеллектуал тизимлар" — "WCIS-2006" тўртинчи халқаро конференцияси бошланди. Мазкур тадбир 2000 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинади.

Анжуман очилишида Тошкент давлат техника университети ректори Ш.Шообидов WCIS конференциялари саноатни автоматлаштириш борасидаги интеллектуал тизимларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келаётганини таъкидлади.

Халқаро анжуман саноатнинг турли тармоқларини автоматлаштириш ва бошқариш соҳасида изланиш олиб бораётган олим ва мутахассисларга истиқболли интеллектуал технологиялар борасидаги янги назарий ютуқлар ҳамда амалий татбиқотни муҳокама қилиш имкониятини беради.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Германиянинг Зиген университети, АҚШнинг Жоржия давлат университети каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Орифжон ТУРОПОВ,
ЎзА мухбири.



Санъат қалъаси қад ростлади

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Элликдеҳқонқурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг қурувчилари ҳозирги замон меъморчилигининг энг жозибали услублари акс этган бинони 6 ой давомида барпо этдилар. Коллеж биноси шу ердаги санъат саройи, сув спорти маскани, тиббиёт ва агроиқтисодиёт коллежлари билан бирга ажойиб меъморий мажмуани тўлдирди. Коллеж замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган аудиториялар, концерт зали, мусиқа хоналари, чолғу ҳамда овоз ёзиш мажмуаларига эга. Ўқув юртида Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркманистон, Татаристон халқ артисти, республика давлат мукофотлари соҳиби Отажон Худойшукуров музейи ҳам бунёд этилди.

Дарвоқе, Элликқалъада ана шу атоқли ҳофиз меросини тарғиб қилиш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда. Бу ерда ёш ижрочиларнинг Отажон Худойшукуров номидаги кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланди. Танлов ғолибларидан бир қанчаси Ўзбекистон давлат консерваториясида, санъат институтларида таҳсил олмоқда. Коллежга ҳофиз номи берилгани ҳам ушбу хайрли ишлар самарасидир, албатта.

Айни кунларда коллежга фортепьяно, халқ ва эстрада чолғу асбоблари ва ижрочилиги, анъанавий рақс, дирижёрлик йўналишларида 140 нафар ўқувчи қабул қилинган. Операмиз юлдузи, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқова жаҳонга маълум ижрочи Елена Образцова билан Элликқалъада бўлиб, бу ерда Европа ижрочилиги ва миллий опера-симфоник мактабини яратиш юзасидан фикрлашган эдилар. Коллежда бу йўналишда ҳам амалий фаолият олиб борилмоқда.

Элликқалъа санъат коллежи биносини фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон давлат консерваторияси проректори, профессор Отаназар Матёқубов, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Бошқирдистон халқ артисти Байрам Матжонов Элликқалъада янги қалъа — санъат коллежи бунёд этилиши муҳим воқеа эканлигини таъкидлашди. Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Бошқирдистон халқ артисти Гулбарчин Сиримбетова, О.Худойшукуров номидаги танлов ғолибларидан бир гуруҳи мумтоз ва замонавий қўшиқларни ижро этдилар. Мушоирада Ошиқ Эркин, Матназар Абдулҳаким, Ўктам Давлат, Жайҳун Мирзо ўз шеърларидан ўқиб бердилар.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бир хат изидан

Таҳририятга қайта шикоят хати келди. Унга бир неча киши имзо чекканди. Мазмуни қуйидагича:

"Жорий йил бошида биз, Имом ат-Термизий кўчаси, 51-уйда истиқомат қилувчилар таҳририятга хат йўллагандик. Турар жойимиз бундан етти йил аввал туман ҳокимлиги тасарруфига ўтганига қарамай, ҳали-ҳамон яшаш шароитимиз яхши эмас. Уйларимизни таъмирлаш учун давлат томонидан маблағ ажратилганидан хабаримиз бор, лекин негадир бу иш амалга ошмаяпти.

Туман ҳокимлиги ва бошқа масъул идораларга ёзган аризаларимизга эса юзаки жавоб олмоқдамиз".

Ширкат бору, шароит йўқ

Аниқлашимизча, Имом ат-Термизий кўчасида жойлашган, умумий ётоқхона типидаги 51-уй, туман ҳокимининг 1999 йил 2 апрелдаги қарорига асосан, ҳокимият тасарруфига ўтказилган. У 1963 йилда қурилган бўлиб, 4 қаватли, 140 хонадондан иборат. Техник ҳолати санитария меъёрларига мутлақо жавоб бермайди. Ушбу ариза юзасидан таҳририятга туман ҳокимлиги йўллаган жавоб хатини қўлимизга олиб, у ердаги ҳақиқий ҳолатни ўз кўзимиз билан кўришга аҳд қилдик.

Муболаға эмас, шикоят муаллифлари ҳузурига чиқунча йўлакда нақ беш марта қоқилдик. Боиси, биринчи қаватдан зинага кўтарилай, десангиз, зимистонга чулғанган йўлакда ҳеч нарсани кўрмайсиз. Оёқ остидаги ўнқир-чўнқир, ўпирилиб, таги очилиб қолган поллар эса уй 2005 йили жорий таъмирдан чиқарилганига шубҳа уйғотади. Шикоят хатига биринчи бўлиб имзо чеккан Мария Темирбоева бизни кўриб, ишонқирамади.

— Тўғриси, келмайсизлар, деб ўйлагандик, — деди у. — Чунки шу пайтгача йўллаган аризаларимиз юзасидан тегишли идоралардан одамлар келишади-ю, дардинг нима демай, ғойиб бўлишади. 1999 йили юқори идораларга ёзган аризамиз юзасидан текширувчи келиб, аҳволни кўрганди. Туман ҳокимлигида йиғилиш ўтказилиб, турар жойимизни капитал таъмирлаш учун 12 миллион 300 минг сўм маблағ ажратилиши ҳақида далолатнома тузилганди. Йиғилишда яна 35 оилага хусусий уй ажратилиши ҳақида ҳам айтилганди. Шундан кейин йўлакларни оқлагандек бўлишди, иссиқлик қувурларини наридан-бери алмаштиришди.

Ўшанда умумий ошхонамиздаги газ плиталарини ҳам алмаштириш тўғрисида гап бор эди. Ҳатто юк машиналарида келтирилган 16 та газ плитасини ҳам кўрганмиз. Кейин улар қаёққадир ғойиб бўлди. Хусусий уйлар ҳақидаги гап ҳам қайта қулоққа чалинмади...

Мария опанинг айтишича, бу ерда яшовчиларнинг аксарияти коммунал тўловларни вақтида тўлаб келар экан. Аммо айни пайтда "Аъло лочин" уй-жой мулкдорлари ширкатининг айрим масъуллари рухсатига кўра, уйда маълум муддат яшаб, ҳақини тўламай кетганлар қилмиши жабрини бошқалар тортмоқда. Негаки, бир ярим ойдан бери иссиқ сув узиб қўйилган.

Сухбатдан сўнг тўртинчи қаватни кўздан кечирдик. Ёғингарчиликда чакка ўтавериб, афтода ҳолга келиб қолган шифтларга эътибор қилдик. Пастки қаватлар эса чиқинди сувлар қувурлари чириб-тешилиб кетгани туфайли хароб аҳволга келиб қолган. Бу ҳолатларни кўриб, бизга жавоб йўллаганлар ҳақиқий ҳолатни хаспўшлашганига ишонч ҳосил қилдик.

— Ўн беш йилдан буён шу ерда яшайман, — дейди Сауле Ўринбекова. — Коммунал тўловларни вақтида тўлашни канда қилмасдим. Лекин уч ойдирки, иссиқ сув ҳақини тўламаяпман. Чунки у 23 июндан эътиборан узиб қўйилган.

— Мана, ўзингиз кўринг, бу ер ҳаммом, — дея бизни бир ҳужранамо ерга бошлади Сохиба опа Маткаримова. — Сувини очиб кўринг-чи, бир томчи чиқармикан? Ахир, биз ҳам одаммиз. Озодалик, шахсий гигиенага риоя қилмаслик қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан бизга йўлланган жавоб хатида кириш йўлакларининг таъмирлангани ва ёритиш мосламалари ўрнатилгани ҳақида айтилганди. Бироқ 51-уйга келибоқ, коронги, сал эҳтиёт бўлинмаса, йиқилиб тушиш муқаррар бўлган йўлакка дуч келдик. Биринчи қаватнинг ювиниш хонасида эса оғзи очиқ қувурдан шарқираб оқаётган сув ертўлага тушаяпти. Шунча ачинарли ҳолат кўзга яққол ташланиб турган бир вазиятда ҳам мутасаддиларнинг ўтган йилги жорий таъмирлаш ишларини рўкач қилишлари тўғримикан? Таъмирлаш пайтида нега ҳеч ким ишдан чиққан қувурлару, тинимсиз чакка ўтаётган томларни кўрмади? Ёзилган шикоят хатлари юзасидан ҳар гал бир хил жавоб қайтариш ўрнига амалий ишга ўтилса яхши бўлмайдими? Хўш, уй эгалари йиғилишда ўз қулоқлари билан эшитган — капитал таъмирлаш учун ажратилган маблағ қани? Наҳотки, йўлакларни оқлашу, қувурларни наридан бери алмаштириш билан бу маблағ тугаган бўлса?

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Тони Блэр Афғонистонга ташриф буюрди. Буюк Британия Бош вазири Кобулда Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай билан биргаликда матбуот анжумани ўтказди. Карзай мамлакатда тинчлик ўрнатилмагунича халқаро кучлар Афғонистонни тарк этмаслигини билдирди. Тони Блэр мамлакатда тинчлик жараёнларини тезлаштириш учун НАТО кучлари сони кўпайтирилишини таъкидлади. Айни пайтда НАТО кучларига британиялик генерал Дэвид Ричардсон қўмондонлик қилаяпти.

Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежот Ирокда зўравонликларни тўхтатиш йўлида музокаралар ўтказишга тайёр. Шанба куни Эрон етакчисининг ироқлик ҳамкасби Жалол Талабоний билан учрашуви кутилаяпти. Турли манбаларда айтилишича, саммитда Сурия Президенти Башар Асад ҳам иштирок этиши мумкин. Ироқ ҳукумати вакилининг баёнотига кўра, расмий Бағдод икки мамлакат билан ҳам дипломатик алоқаларни қайта тиклайди.

Мексика президентлиги учун бўлиб ўтган сайловларда ютқазиб қўйган Андрес Обрадор ўз ҳукуматини ташкил қилмоқчи. У мамлакат пойтахти Мехикодаги марказий майдонда ўн минглаб тарафдорлари олдида норасмий равишда қасамёд маросимини ўтказди. У ҳали ҳам жорий йил июль ойида бўлиб ўтган сайлов натижалари сохталаштирилган деб ҳисобламоқда.

Германияда терактнинг олди олинди. Мамлакат федераль прокуратурасининг маълум қилишича, террорчилик хуружини амалга оширишга уринганликда гумон қилиниб, бир неча киши қамоққа олинди. Тахминларга кўра, гумондорлар аэропорт хавфсизлик хизмати ходимлари билан алоқа ўрнатиб, портловчи ускуна жойлашган сумкаларини самолётга чиқаришга уринганлар. Улар шу йўл билан йўловчи самолётлардан бирини портлатиб юборишмоқчи бўлишган.

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407-сонли қарорига мувофиқ,

«Кинап» очиқ акциядорлик жамиятининг 98,89 фоиз акциялар пакетини сотиш бўйича тендер ўтказилишини маълум қилади.

Сотувга **«Кинап» ОАЖ** эмитенти томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 98,89 фоизини ташкил этувчи 62 303 дона оддий акциялар қўйилади.

Акция пакетининг бошланғич баҳоси — **1 858 500** АҚШ доллари. Тендерда «Кинап» ОАЖнинг 98,89 фоиз акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва энг юқори инвестиция мажбуриятларини ўз эиммасига олишга тайёр бўлган сармоядор устунликка эга бўлади. Корхонанинг инвестицион талаби **4 000 000** АҚШ долларини ташкил этади.

«Кинап» ОАЖ ишлаб чиқариш-техник мақсадлар учун маҳсулотлар ва халқ истеъмоли молларини, физика кабинетлари учун жиҳозлар тўпламини, пайвандлаш ускуналари, электрон, механик, овоз ишлаб чиқарувчи ва бошқа турдаги аппаратура ва ускуналар каби маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Қизиқувчилар сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этишлари мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилгандан кейин ҳамда Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари пакети қиймати 2 000 (икки минг) АҚШ долларига тенг бўлиб, уни қуйидаги ҳисоб рақамларига ўтказиш лозим:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият
миллий банкининг марказий операцион бўлими:
валюта ҳисоб рақами 20203840900600289004,
ҳисоб рақами 20203000800600289002,
ИНН 201122696, банк коди 00882,
700084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй,
S.W.I.F.T. код MBFAUZ2X.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йилнинг 24 январида Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.
Тендер таклифларининг очилиши 2007 йил 24 январь куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси мажлислар зали (5-қават)да амалга оширилади.

Тендер таклифларини очиш вақтида тендерда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:
Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700003, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй,
Давлат мулки қўмитаси биноси, 15-01-хона.

Бош директор Саъдуллахон Ҳамидуллахонович Набихонов эътиборига.
Телефон: +998 71 139-22-23.
Факс: +99871 139-21-42.
Эл. почта: eibb@tps.uz

3551 26/2120

INVITATION TO TENDER

STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE PROPERTY TO THE FOREIGN INVESTORS

hereby announces on the basis of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-407 as of July 10, 2006,

Public Tender for privatization sale of a 98,89% share package in Joint stock company «KINAP»

The Tender for **JSC «Kinap»** is for the sale of 62 303 (sixty three thousands three hundred three) shares of common stock constituting the aggregate of 98.89 % of the Company's total issued shares. Starting bidding price of the pack of shares is not less than **1.858.500** (one million eight hundred fiftyeight thousands five hundred) US dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 98,89% of shares of the Company and undertake the highest volume of investment obligations. The investment needs of the Company constitute the amount of **4.000.000** (four million) US Dollars.

JSC «Kinap» is the manufacturer of industrial and consumer goods, the equipment for physics classes, welding equipment, various types of electronic, mechanical, sound reproducing and other equipment.

Investors interested in participating in the Tender must first submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement, which should be sent along with brief information on the company. With the inquiries please contact to the address given below.
The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon presenting to Enterprise Institution Building Bureau the filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with the copy of the proof of payment.

The price of the package of the bidding documents constitutes 2.000 (two thousands) US dollars, which are to be transferred into the following accounts:

USD Account # 20203840900600289004
UZS Account # 20203000800600289002
in the Central operational department
of the National Bank for FEA of the Republic of Uzbekistan,
TIN 201122696, bank code 00882
A. Timur str., 101, Tashkent, 700084
S.W.I.F.T. code: MBFAUZ2X

The Bid submission deadline expires at 12:00 a.m. Tashkent time on the 24th of January 2007.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3:00 p.m. Tashkent time on the 24th of January 2007.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedure, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

EIBB, Enterprise Institution Building Bureau
State Property Committee Bldg., room 15.01
Uzbekistanskaya Str., 55
700003 Tashkent, Uzbekistan

Attention: Mr. Sa'dullakhon Nabikhanov
Director General
Tel: (+998 71) 139 22 23
Fax: (+998 71) 139 21 42
E-mail: eibb@.tps.uz

3554 26/2120

O'ZSANOATQURILISHBANK акциядорлари диққатига!

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР,

«Ўзсаноатқурилишбанк» сизга ўз эҳтиромини изҳор этади ва банк кенгаши томонидан 2006 йил 30 октябрь куни қабул қилинган 66-сонли қарорга биноан, имтиёзли акциялар бўйича йиллик 40 фоиз ҳисобидан 2006 йил 3-чораги учун 10 фоиз миқдоридаги оралиқ дивиденд тўланишини маълум қилади.

Дивидендларни 2006 йил 30 сентябрь ҳолатигача ёпилган акциядорларнинг реестрида мулкий ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар олишлари мумкин.

Дивидендларни олишга доир бўлган масалалар бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг тегишли филиалларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Банк кенгаши.

3563H/2136

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

3754F/2456

Хушхабар

Касби туманидаги Назартепа қишлоғида болалар спорти мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу воқеа қишлоқ аҳли учун катта байрамга айланди.

Назартепада спорт байрами

Аввал тадбиркорларнинг ҳиммати билан хайрия оши тортилди, кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйи ўтказилди, совға-саломлар улашилди. Давра Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов бошлиқ бир гуруҳ шоирларнинг ижодий мулоқоти билан давом этди.

Спортчилар ва мутахассисларга мажмуада яратилган шароит жуда манзур бўлди. Бу йирик спорт иншоотини қуриш учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан 500 миллион сўм маблағ сарфланди. Энди қишлоқ ёшлари спортнинг волейбол, баскетбол, қўл тўпи, футбол турлари билан йил бўйи шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Республика кўчмас мулк биржаси марказий идораси ва ҳудудий филиаллари томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Суд департаменти томонидан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади:

Тошкент вилояти савдо майдончаси:

1. Қибрай тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган Пахтачилик илмий-тадқиқот институтига қарашли Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й.да жойлашган «Автогараж бино ва иншоотлари» объекти.
Бошланғич баҳоси — 24 072 134 сўм.
Аукцион савдоси 2006 йил 19 декабрь куни соат 11.00 да Республика кўчмас мулк биржаси биноси мажлислар залида ўтказилади. Объект 2006 йил 19 декабрь куни сотилмаган тақдирда 21, 26, 28 декабрь, 2007 йил 2, 4, 9, 11, 16, 18, 23, 25, 30 январь ва 1, 6, 8, 13, 15 февраль кунлари аукцион савдолари давом эттирилади.

Сурхондарё вилояти филиали:

1. Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган «Гермес» хусусий ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига қарашли Термиз шаҳар, Т.Сайдалиев кўчаси, 26-уйда жойлашган, 1 қаватли, 23 та хонадан иборат, умумий ер майдони 9848,86 кв.м. бўлган маъмурий ва хўжалик биноси.
Бошланғич баҳоси — 30 240 400 сўм.
Аукцион савдоси 2006 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да РКМБ Сурхондарё вилояти филиали мажлислар залида ўтказилади. Объект 2006 йил 14 декабрь куни сотилмаган тақдирда 19, 21, 26, 28 декабрь кунлари аукцион савдолари давом эттирилади.

Жиззах вилояти филиали:

1. Ғаллаорол тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган Ғаллаорол илмий-ишлаб чиқариш агрофирмасига қарашли Ғаллаорол шаҳар, Ғўбдин қ.ф.й., Ламмикор қўрғонида жойлашган, таъмирталаб бўлган бино-иншоотлар ва асосий воситалар.
Бошланғич баҳоси — 24 054 000 сўм.
Аукцион савдоси 2006 йил 20 декабрь куни соат 11.00 да РКМБ Жиззах вилояти филиали савдо залида ўтказилади. Объект 2006 йил 20 декабрь куни сотилмаган тақдирда 2007 йил 10 январь куни аукцион савдолари давом эттирилади.

Навоий вилояти филиали:

1. Зарафшон шаҳар суд департаменти бўлинмаси томонидан хатланган Зарафшон шаҳри марказида жойлашган умумий майдони 924,0 кв.м. бўлган дўкон биноси.
Бошланғич баҳоси — 128 809 579 сўм.
Аукцион савдоси 2006 йил 11 декабрь куни соат 12.00 да РКМБ Навоий вилояти филиали савдо залида ўтказилади.

Наманган вилояти филиали:

1. Косонсой тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган Косонсой тумани, «Дўстлик» ММТПга қарашли «ВТ-150 Д» русумли, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолатдаги занжирли ҳайдов трактори.
Бошланғич баҳоси — 26 200 000 сўм.
2. Косонсой тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган Косонсой тумани «Матлубот улгуржи чакана савдо» АЖга қарашли Косонсой шаҳар, Косонсой туманида жойлашган, 1977 йилда қурилган «Косонсой универмаги» биноси.
Бошланғич баҳоси — 46 462 053 сўм.
Аукцион савдолари 2006 йил 19 декабрь куни соат 11.00 да РКМБ Наманган вилояти филиали савдолар залида ўтказилади. Объектлар 2006 йил 19 декабрь куни сотилмаган тақдирда 22, 26 декабрь кунлари аукцион савдолари давом эттирилади.

Шунингдек,
Республика кўчмас мулк биржаси марказий идораси
Хўжалик суди томонидан Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ж.Остонов кўчаси, 45-уйда жойлашган, ЁАЖ «ЎзСматана-Сантехника» қўшма корхонасининг **«мулкий мажмуаси»**ни аукцион савдосига қўймоқда.
Бошланғич баҳоси — 5 647 400 000 сўм.
Аукцион савдоси 2006 йил 19 декабрь куни соат 11.00 да Республика кўчмас мулк биржаси мажлислар залида ўтказилади. Мулкий мажмуа 2006 йил 19 декабрь куни сотилмаган тақдирда 21, 26, 28 декабрь, 2007 йил 2, 4, 9,11, 16, 18, 23, 25, 30 январь кунлари аукцион савдолари давом эттирилади.
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини:
РКМБ Тошкент вилояти савдо майдончасининг қуйидаги
ҳисоб рақамига 20210000500571452057, МФО 00425, АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиали, ИНН 200933850;
РКМБ Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги
ҳисоб рақамига 20210000700571452053, МФО 00981 ХЕАТБ «Термиз Давр банк», ИНН 200477303;
РКМБ Жиззах вилояти филиалининг қуйидаги
ҳисоб рақамига 20210000000571452050, «Ipoteka» banki Sangzor filiali, код 00834;
РКМБ Навоий вилояти филиалининг қуйидаги
ҳисоб рақамига 20210000300571452458, МФО 00205, АТИБ «Ипотека банки» Навоий бўлими ИНН 200933850;
РКМБ Наманган вилояти филиалининг қуйидаги
ҳисоб рақамига 20210000900571452021, МФО 00222, ТИФ «Миллий банк» Наманган бўлимидаги ИНН 200933850;
Республика кўчмас мулк биржаси марказий идорасининг қуйидаги
ҳисоб рақамига 20210000500571452057, МФО 00425, АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиали, ИНН 200933850 тўлаши шарт.

Қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилларга мурожаат этиш мумкин:
РКМБ Тошкент вилояти савдо майдончаси манзили:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Мовароуннаҳр» кўчаси, 19-уй. Телефонлар: 133-28-52, 133-49-31.
РКМБ Сурхондарё вилояти филиали манзили:
Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 6-хона. Тел./факс: код 8-(376) 227-25-49.
РКМБ Жиззах вилояти филиали манзили:
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 39-уй. Телефонлар: код 8-(372) 222-35-77, 222-34-16, 222-36-19.
РКМБ Навоий вилояти филиали манзили:
Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Телефонлар: код 8-(436) 22-4-15-61, 22-4-64-31.
РКМБ Наманган вилояти филиали манзили:
Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй (Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси биноси).
Телефонлар: 8-(369) 226-54-47, 226-27-01.
Республика кўчмас мулк биржаси марказий идораси манзили:
Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй.
Телефонлар: 399-84-48, 399-79-52.

Интернет сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004

Рашид ГАЛИЕВ сурат-лавҳаси.

Бокс

Жиззах Олимпия заҳиралари коллежида бир ҳафта давом этган халқаро турнир маҳаллий тадбиркор, спортимиз жонкуяри, марҳум Ропи Шокиров хотирасига бағишланди.

Халқаро турнир

Учинчи бор ўтказилаётган мусобақаларда боксчилар 16 вазн тоифасида ўзаро беллашишди. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Қозоғистон ҳамда Тожикистондан келган 200 нафарга яқин спортчининг ғолибликни қўлга киритиш учун рингга чиққанининг ўзи мусобақалар нақадар шиддатли ўтганининг исботидир.

Хотира турнирига энг кўп боксчи тайёрлаган майдон эгаларидан 8 нафари ғолиблик нашидасини сурди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Самарқанд, Андижон, Тошкент ва Бухоро вилоятлари вакиллари ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Огоҳлик

Икки қафасда икки сайроқи қуш сақланарди. Улар кўрган ёруғлик — деразадан тушган зиё ва хонани чароғон этувчи қандиллар жилосидаги электр нури эди. Қафаслар ичидаги икки идишда ҳамиша сув ва дон ҳозир эди. Эҳтимол, шу хўрак эвазигами қушлар аҳён-аҳён сайраб қўяр эдилар.

Бир куни одам шафқатга кирди. Олтин панжара ва кенг дунё орасидаги кичкина эшикни очди ва қушларни озод қилди.

Қушлар аввал дераза токчасидан кенг дунёни томоша қилдилар ва икки тарафга учиб кетдилар. Кўп ўтмай, улардан бири қайтиб, яна токчага қўнди. Нега?

Қуш палапонлигидан қафасда улғайиб, ўзгалар қўлида дон чўқиб ўрганганди. Кенг табиатга чиққач, уни ҳадик босганди. Энди у қаерга боради? Донни энди ўзи излаб топадими? Топганига қорни тўймаса-чи? Ҳа, уни чўчитган нарса — қорин ғами эди. У шериги янглиғ кенг самони қучиши мумкинлигини, тонгда қуёшни осмон бағрида кутиб олиш завқини, бир хонага етгулик овоз билан эмас, энди боғларни жаранглатиб куйлай олиши мумкинлигини англаб етолмаганди.

Кўкка парвоз — бу эрк эканлигини англаб етолмаганди.

Эрк — бу бахт эканлигини англаб етолмаганди.

Унинг учун Дунё — шу қафас ва ундаги емак эди. Ҳа, дунёси тор эди унинг.

Мана шу қуш мисолида ҳар ким ўз дунёсини ўзи яратади.

ИЙМОНИ БУТУН ҚАЛБ

уни ёт ғоялар забт эта олмайди

Мен баъзан Истиқлол бахтини тўла англаб етолмаган, Ватан ва ўзлик деган буюк тушунчаларни ўзгалар қўлидан оладиган хўракка алмаштирадиган кимсаларни ана шу қушга ўхшатгим келади. Қуш-ку, эркнинг қадрини табиий инстинкт билан англар, аммо одамга қалб ато этилган-ку! У эркни ана шу қалб билан англаши лозим-ку! Жонзотлар ичида фақат унгагина берилган қалбни ғубор ичига қўйиш ёки уни тошга айлантирмоқ — хиёнат эмасми!

Ғоялар кураши, мафкуралар кураши аслида инсон қалби учун бўлган кураш демакдир. Битта қалб забт этилдими, демак, битта эътиқод, битта иймон ўлжа бўлди. Ана шу индивидуал иймону эътиқодлардан элнинг қалби яралади, маънавият оламига пойдевор қўйилади. Ҳар бир иймоннинг синиши ушбу пойдеворга урилган бир зарбдир.

Мен Ўғилой опа (уни шартли равишда шундай атадим) билан суҳбатлашиб, шулар ҳақида ўйладим, унинг ўғирланган, алданган ва тобе этилган қалби ҳақида ўйладим.

Инсонни нафақат ота-она, муҳит ҳам тарбиялайди. Ўғилой опанинг фарзандлар, набиралар, қўни-қўшнилар ўртасидаги турли муносабатларда акс этадиган муҳитдаги ўрни, таъсири ҳақида ўйладим.

Ўғилой опа етмиш ёшни қоралаган. Икки ўғли 1999-2000 йиллардаги яширинча ваҳобийлик ғояларини тарғиб этувчи оқимдаги ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилган, ўзи ҳам, турмуш ўртоғи ҳам ана шу оқим тарғиботчилари эдилар. Маҳаллада кўхна масжид бўлиб, истиқлолнинг дастлабки йилларида жуда кўп ёшлар диний билимларни ўрганиш учун бу ерга қатнай бошлагандилар. 16 февраль воқеаларидан сўнг барча масжидларда ва уйларида диний таълим берувчи мулла ва отинлар фаолияти ўрганилганда, маълум бўлдики, бу масжидда ҳам хуфиёна ваҳобийлик таълимоти ўргатилаётган ва бир гуруҳ ёшлар ушбу оқим таъсирига тушиб улгургандилар. Жавобгарликка тортилган йигитларнинг икки нафари юқорида айтганимиздек, Ўғилой опанинг фарзандлари эди. Янаям аниқроқ ва аччиқроқ томони — бу йигитлар ўзимизнинг, Ўзбекистоннинг болалари эди ва ўзимизга, Ўзбекистонимизга қарши фаолият олиб боргандилар.

Ундан ҳам аччиқроқ ва ачинарли томони, Ўғилой опа фарзандларини ёқлаб гапирганди ўшанда.

«Болаларингизга ачинмайсизми? Гулдай умри, хазон бўляпти-ку?», — деганимизда,

«Йўқ. Агар болаларим ислом йўлида шаҳид кетсалар, жаннати бўладилар», деганди у.

Бутун руҳияти, қалби билан асир бўлганди у.

Глобал муаммолар дунёни титратиб турган бир пайтда битта оиланинг ёки бир аёлнинг қайсидир диний оқимга кирганми фожиами, дерсиз.

Душманнинг биттаси ҳам кўп, дўстнинг юзтаси ҳам оз. Чунки аёл, она – миллат тарбиячиси. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги таъкиди ниҳоятда ўринли: "Ўсиб келаётган янги авлодни ким она алласи билан эзгуликка ўргатади, ... ким уни Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялайди, ким етук инсон қилиб вояга етказади?

Албатта, халқ тақдири, миллат истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу улуғ ва масъулиятли иш фақат оналарнинг қўлидан келади."

Оила — жамият ўзаги. Инсон, аввало, тарбияни оиладан олади. Инсоннинг диний ва дунёвий тасаввурлари, ахлоқ мезонлари, иймон пойдевори шу ерда шаклланади. Оила маънавий муҳитининг барқарорлиги жамиятдаги барқарорлик асоси эмасми?

Яна Президентнинг қуйидаги сўзларини таъкидлашга тўғри келади: "Инсон, Оила, Аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди."

Менимча, аввало, бузғунчи мафкурага асосан кимлар эргашяпти, деган масалани чуқур таҳлил қилиб кўриш лозим. Шунчаки "эътиқоди бўшлиги учун" деб жавоб берсак, масалага юзаки ёндашган бўламиз. У нимадан норози? Иқтисодий аҳволи танг бўлса, сабаби нима? Унинг фақат ўзигина шу кайфиятдами ёки атрофидагилар ҳамми?

Шу каби саволларни обдон ўрганиш, жавоб топиш, ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўлса, уни ҳал этиш чораларини кўриш лозим. Бунинг учун жойлардаги мутасаддилар халқ ичига кўпроқ кириб бориши, қоғозда кўрсатилаётган ҳисоботлар билан амалдаги ҳолат ўртасида тафовут бўлмаслиги учун курашиши керак. Қолаверса, юртимиз тинчлиги, халқимиз эсон-омонлиги, фарзандларимиз тақдири учун огоҳ бўлиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, огоҳ бўлиш — ёшларимизни ёвуз кучлар таъсиридан, Ватанимизни қўпорувчилик ҳаракатларидан асрашнинг асосий йўлидир.

Шаҳло АҲРОРОВА,
Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Луқма

ТИНИҚ СУВ БОШҚА-Ю, ТОЗАСИ БОШҚА

Шеробод тумани марказий шифохонаси бош врачи Бобомурод Бўроновдан ичиб турган сувининг таркибини сўровдик, у H_2O, яъни Ҳаш икки О деб жавоб қайтарди. Сўнг «Сув — энг ҳаётбахш неъмат. Бир одам кунига тўрт-беш литргача сув ичади. Одам танасининг учдан икки бўлаги сувдан иборат. Очликка икки ой, сувсизликка эса ўн кун чидаш мумкин», деган гапларни қўшиб қўйди.

— Узоқдан келган бир нозиктаъб меҳмон, Шероботнинг чойи тузи баланд шўрвага ўхшаркан, деб ҳазиллашганмикан...

— Сувимиз ростдан ҳам шўрроқ. Тахирроқ, — дейди Бўронов бу гал, муддоларингизни энди тушундим дегандай, тиззасини шапатилаб.

— Энди H_2Oга қўшилган ўша тахир нарса...

— Билмадим. Таҳлил қилмаганмиз, — деди бош дўхтир. — Билганим шуки, аҳолимизнинг буйракда, ўт пуфагида тош ҳосил бўлиши билан боғлиқ хасталиклари вилоятимизнинг умумий кўрсаткичларидан а-анча зиёдароқ. Бир дарёмизнинг суви шўрми десак, қудуқларимиздан чиқаётгани ҳам шўр. Мана, шифохонамизнинг қудуғи. Чуқурлиги бордир икки юз метрлар. Суви тиниқ. Шаффоф таъми — ҳозир айтиб турганимдай. 140 мингдан кўп аҳолимизнинг етмиш фоизи шунақа сувдан ичиб турибди.

Шу ўринда Бўронов одамларни тоза, сифатли ичимлик суви билан таъминлашда унча-мунча ишлар қилинаётганини ҳам таъкидлаган бўлди. Масалан, Шеробод дарёсининг юқори қисмидаги талай қишлоқлар, шаҳар аҳолисининг бир қисми «Хўжаипок» тизимининг тоза, шифобахш сувидан баҳраманд. Туманнинг қуйи ҳудудлари қишлоқларига ҳозир Кўҳитанг томондан Уланбулоқнинг сувини қувур билан олиб келиш тадбирлари кўрилмоқда. Имкони борлар тоза сувни узоқлардан ташиб обкелиб ичмоқдалар. Бироқ...

Ҳа, бироқ, деймиз-у, шу масалада ҳаммамиз тўхталиб қоламиз. Лекин эшитган, кўрганларимиздан жонимиз қойиб, гапиргимиз келаверади.

Бош врачнинг ҳузуридан чиқиб, тумандаги 66-умумий ўрта таълим мактабига бордик. 315 ўринли бу мактаб бултур қурилиб, ишга туширилган. Ҳар бир хонаси рисолага кўра сувлаштирилгандай: қувурлар, раковина, ялтиллаб турган жўмрак. Лекин... сувнинг ўзи йўқ. Чунки, чамаси, ҳеч ким, жумладан, ҳар бир жойнинг санитария ҳолати учун жавобгар врачлар ҳам бу қувурларга сув қайси манбадан келишини астойдил суриштирмагандай. Қурувчи амакилар бўлса, мактаб директорининг қистови биланми, қудуқнинг устига минорасифат сув идишини энди-энди тикка қилишга уннашмоқчи.

— Чанқоғини босаман, деган ўқувчи сувни бокалашкани тўлдириб уйидан об келади, — дейди адабиёт ўқитувчиси Жалолиддин Темиров.

— Бокалашкани унутиб қолдирганлар-чи?

Бу саволимизга Жалолиддин кулади. Кўча томонда ажриғу ва яна нима балолар босган ариқчага ишора қилади. Чанқаганингда тиниғи тугул сувнинг лойқасиям одамга тоза бўлиб кўринади, дейди.

Ҳа, чанқаганда нафақат болага, катталаргаям сув тоза бўлиб кўриниши табиий. Лекин тумандаги «Хўжаипок» тизимига уланган айрим ичимлик суви таъминоти иншоотларининг ишламай қолгани-ю, бош врачдан тортиб яна бошқа мутасаддилар одамлар истеъмол қилиб турган тахир сув ҳақида жиддий ўйлаб кўриш ўрнига сувнинг химиявий таснифи H_2O деганга ўхшаш гаплар билан чегараланишлари... ғалатироқ.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Давлат кадастрлари ягона тизими бошқармаси томонидан «O'zLITTI» ёпиқ акциядорлик жамиятига 2004 йил 25 августда берилган мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи, серияси TV №012512 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ —
«ҒАЛЛАБАНК»

мамлакатимиз аҳолиси ҳамда ўзининг доимий мижозлари учун 15 дан ортиқ жозибадор омонат турларини жорий этгани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан 2006 йил 15 ноябрдан 2007 йил 15 январгача бўлган муддат давомида қабул қилиш шарти билан қисқа муддатли

«Soug'a», «Mehr» ва «Sarmoya»

номли юқори фоиздаги янги омонат турларини таклиф этади.

«Soug'a» омонат турига маблағлар **3 ой** сақлаш ва йиллик **18 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат қўйилган кундан тўлаб борилади.
Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 500 минг сўм.

«Mehr» омонат турига маблағлар **6 ой** сақлаш ва йиллик **18 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, омонат фоизлари ҳар ойда тўлаб борилади.
Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 100 минг сўм.

«Sarmoya» омонат турига маблағлар **1 ой** сақлаш ва йиллик **18 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.
Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 100 минг сўм қилиб белгиланган.

Омонатлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.

Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши «Ғаллабанк» томонидан кафолатланади.

«ҒАЛЛАБАНК» ОМОНАТЛАРИ — КЕЛГУСИ ДАРОМАДЛАРИНГИЗ КАФОЛАТИДИР!

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

396-40/2/125

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯГОНА РАСМИЙ ДИЛЕР
Тошкент шаҳридаги омборхонадан тақдим этади

«СКАД» РУСУМЛИ ҚУЙМА АЛЮМИН ДИСКЛАРИ
(Красноярск)

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94.
Факс (998 71) 191-74-63

Тўлов пул ўтказиш ёки нақд пул билан
Маҳсулот сертификатланган

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

2007 ЙИЛ УЧУН ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИ МАЖБУРИЙ ДАВЛАТ ҚИЁСЛАШИДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗАДИ.

ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗИШ МУДДАТИ — 2007 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛГАЧА.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

ШХК "KOSMO MED ELEKTRONIKS"
таклиф этади: Товар сертификатланган

ЭМАЛЛАНГАН СИМ ПЭТВ-2
электродвигателларни таъмирлаш учун
Ø 0,355-1,60.

ЭЛЕКТРОТОВАРЛАР
(Россияда ишлаб чиқарилган)

Тел.: 360-37-62 Тел./ф 360-47-65.

Тошкент молия институти қошидаги «Молиячи бизнес мактаби»нинг «Жомбой» филиали тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент-700095, Собир Раҳимов тумани, «Чимбой» кўчаси, 2-уй, «Молиячи бизнес мактаби». Тел.: 396-58-32.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 23.00 23456